



# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMLIGI

210100, Navoiy sh., Islom Karimov sh.k 77 A, tel: (79)229-62-06, 229-62-80, e-mail: [navoi@exat.uz](mailto:navoi@exat.uz), [info@navoi.uz](mailto:info@navoi.uz)

2022-yil 1 - avgust

06-17/1807 -son

Navoiy sh.

## Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сонли Фармонининг 1-бандида 1 августдан бошлаб:

Давлат бюджети, шунингдек, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар, шу жумладан истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича уларнинг асосий техник кўрсаткичлари ва бошқа лойиҳа ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарида (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) очиқлик бўйича амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси жорий этиш топшириғи берилган.


Мазкур Фармон ижроси юзасидан жорий йилнинг 15 июнь куни Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Атамуратов иштирокида йиғилиш ўтказилиб, 17 июндаги №17-02/302-сонли баённомада очиқликни таъминлаш соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш учун ҳар-бир масъул ходимларга топшириқ белгилаб берилган.

Ушбу Фармон банди ижросини таъминлаш мақсадида вилоят

ҳокимлигининг веб-сайтида (navoi.uz) “Очиқ маълумотлар” рукнида аҳамиятга молик маълумотлар жойлаштирилди. (<https://navoi.uz/uz/menu/ochi-malumatlar>)

*Ахборот тариқасида киритилмоқда.*

**Вилоят ҳокими ўринбосари**



**Я.Душанов.**

*Ижрочи: Д.Наврӯзова*  
*Тел: (79) 229-21-00*

A handwritten signature in black ink, appearing to be the name 'D. Navruzova' written in a cursive style.